



## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИДА ЎҚИТУВЧИ ВА ТАЛАБА МУНОСАБАТЛАРИ

**Файзуллаев Р.Х.**

*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети “Профессионал таълим” кафедраси п.ф.ф.д. доценти*

**Сайфиева Ю.Ў.**

*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети “Профессионал таълим” кафедраси таянч докторанти*

Таянч сўзлар: интеллектуал салоҳият, технологик ривожлантириш, дидактик мақсад, мустақил таълим, фаол мустақил таълим, касбий фаолият, услубий қўлланма, ташкилотчилик қобилиятлари.

Ключевые слова: интеллектуальный потенциал, технологическое развитие, дидактическая цель, самостоятельное образование, профессиональная деятельность, методическое руководство, организаторские способности.

Key words: intellectual potential, technological development, didactic purpose, independent education, professional activity, methodological guide, organizational skills.

Кириш. Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, замон талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича мақсадли йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки илм-фан ишлаб чиқариш, унинг моддий асосини яратиш, технологик ривожлантириш ва энг асосийси-кадрлар билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади. Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга илмий-тех-



ника тараққиёти ютуқларини амалиётга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим жараёнида ёшларга тақдим этилаётган бундай имкониятлар эртамиз эгалари бўлган ёш авлоднинг ўз салоҳиятини тўла намоён этиши, ўзи танлаган касб бўйича ўқиши, ишлаши, ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши ва жамият равнақига муносиб ҳисса қўшадиган мутахассислар бўлиб етишиши учун мустақкам пойдевор яратади[1].

Талабаларни мустақил таълим жараёнида ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида намоён бўлаётганлигини таҳлил этар эканмиз, Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони асосида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” қабул қилинганлиги айтилиши мазкур муаммоларни бартараф этишга қаратилганлигини эътироф этиш мумкин. Мазкур концепцияда:

- олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;
- Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш;
- республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш кўзда тутилган.

Малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири - бу таълим сифати ва самарадорлигини оширишдир. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари, ўйин технологиялари, муаммоли ўқитиш, хусусан, мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида талабаларнинг назарий ва амалий мустақил



таълим олишлари учун катта имкониятлар яратилган. Мустақил таълим олишда талаба ўзи мустақил равишда адабиётлар, дарсликлар, газета ва журналлар, радио ва телевидение, электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари, интернет ресурслари, зиёнет материаллари ва ўқув услубий мажмуалардан фойдаланиши назарда тутилади.

Мустақил таълим - ўқув материални мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир. Мустақил ишлар дидактик мақсади, вазифаси, мураккаблик даражаси, кимга (индивидуал ёки жамоа учун) мўлжалланганлигига қараб, бир-биридан фарқ қилади. Мустақил таълим жараёнида танланган мавзуларнинг илмийлиги, тизимлилиги ҳамда ўқув материалларининг қизиқарлилиги, амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алоқадорлиги, шунингдек бериладиган мустақил ишлар ва топшириқларнинг ижодий характерга эгаллиги муҳимдир.

Талабаларнинг фаол мустақил иши фақат жиддий ва мустаҳкам асосларгагина таянади. Энг кучли асословчи омил - бу кейинги самарали касбий фаолиятга тайёргарликдир. Яхши тайёргарликка эга бўлган иқтидорли талабалар ижодий ва изланиш хусусиятига эга бўлган мураккаб топшириқларни бажарадилар. Камроқ тайёргарликка эга бўлган талабалар, соддароқ топшириқларни бажарадилар, бироқ шунга қарамай, топшириқлар устида ишлаш уларга умумий масалани ҳал этишда гуруҳ билан бирга ишлашга имкон беради. Талабаларнинг мустақил таълим олишларини муваффақиятли ташкил этиш учун фанни ўрганишда услубий қўлланмалар зарур бўлади[2]. Услубий қўлланмаларда ишнинг батафсил алгоритми, муаммоли баҳслар учун мавзулар, мустақил ўрганиш учун адабиётлар, топшириқлар, компьютер тест ва тақдимотларни бажариш бўйича маслаҳатлар, ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва тестлар келтирилган назарий материал, амалий вазифалар, глоссарий ва ҳ.к.лардан иборат бўлиши керак.

Л.В.Голиш ва Д.М.Файзуллаевалар ўзининг олиб борган илмий тадқиқот ишларида таълим оловчилар томонидан мустақил ишни бажаришда уларнинг фаолияти тизимида кўрсатилган ҳар бир элементларнинг муваффақиятли режалаштириш, ташкиллаштириш, мониторинг ва баҳолаш зарур эканлигини асослаб беришган. М.Барақаевнинг илмий-педагогик тадқиқот ишларини ўрганиб, “Мустақил таълим – олий таълим тизимида таълимнинг шундай бир шаклидирки, бунда талабаларнинг



ўқув фаолияти педагог томонидан бошқарилиб, топшириқлар берилади, маслаҳатлар уюштирилади ва бажарилиши назорат қилинади” деб таъкидлайди[3].

Олий таълим муассасалари мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш асосий масалардан ҳисобланади[4]. Бу борада қуйидаги йўналишлар бўйича тизимли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, бугунги кунда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислохотлар негизида таълим олувчиларнинг онглилиги ва фаоллигини ошириш учун ўқитиш жараёни шундай ташкил этиш керакки, бунда талабалар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ техникасини ривожлантиришга хизмат қилишини таъминлашга эътибор қаратиш.

Иккинчидан, ушбу соҳада муваффақиятларга эришган новатор ўқитувчиларнинг ишларини оммалаштириш, тажриба алмашиш ишларини йўлга қўйишлар чикиш.

Учинчидан, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт даврида талабаларнинг мустақил таълимга оид маълумотларини замон талаблари асосида шакллантириш ва расмийлаштириш йўллари йўлга қўйиш.

Тўртинчидан, мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятларини йўлга қўйиш.

Олий таълимнинг ўз олдига қўйган асосий вазифаларидан бири мутахассисни ўз-ўзини ривожлантиришга, мустақил равишда билимини кўпайтиришга, инновацион фаолиятга қобил бўлган ижодий шахсиятни шакллантиришга йўналтиришдан иборатдир. Бундай вазифани амалга ошириш учун тайёр билимларни ўқитувчи томонидан талабага беришнинг ўзигина камлик қилади. Бундай йўл талабани билимларни ўзлаштиришнинг пассив истеъмолчисига айлантириб қўяди. Ваҳоланки, бугун бизга билимларни ўзлаштиришдаги пассив истеъмолчи эмас, балки унинг фаол ижодкори зарурдир. Натижа шундай бўлиши керакки, бўлғуси мутахассис ҳар қандай назарий ва амалий муаммони ифодалай оладиган, уни ечишнинг йўллари илмий ёки методик жиҳатдан таҳлил қилишни удалайдиган энг муносиб ва мувофиқ натижаларни топиб, унинг тўғрилигини исботлаб бера оладиган бўлсин. Таълим тизимидаги ўзгаришлар таълим мазмуни билан чамбарчас боғлиқ. Янгиланишлар талабалар ўқишини ташкил этишнинг янги шакли ва усуллари ҳақида ҳам бош қотиришни та-



лаб этади. Шу маънода талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш муҳим шаклига эмас, балки таълим жараёнининг асосини ташкил этувчи муҳим қисм бўлишини тақозо этади. Буларнинг барчаси таълим бериш (олиш)нинг замонавий методларини эгаллашни, талабаларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришни ҳар бир талабанинг имконият ва салоҳиятини эътиборга олган ҳолда, гуруҳ ўқишларидан индивидуал ўқишга ўтишни кўзда тутаяди. Бу жараёни шундай ташкил этиш лозимки, унинг натижасида талабанинг мустақил билим олиши ва бу билимларини ҳаётга татбиқ этишга оид қобилияти, кўникма ва малакалари шакллансин.

Таъбир жоиз бўлса, бўлажак мутахассиснинг фикрлаш тарзини тарбиялашга қаратилган барча ҳаракат-фаолият уларнинг асосини ташкил этади. Талаба мустақил фикри туғилишига, унинг билиш фаоллигини оширишга имкон берадиган ҳар қандай машғулот тури мустақил ишлар билан чамбарчас боғлиқдир. Мустақил таълимни талабаларга билим беришда уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, уларга бериладиган топшириқ ва юктамаларни камайтириш деб тушунмаслик керак, балки ўқитувчилар томонидан мунтазам бошқариладиган талабаларнинг интерактив мустақил фаолиятидир. Ўқув жараёни сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли катта. Буни англаган ҳолда, юртимиз олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларига ажратилаётган мустақил таълим соатлари улуши мунтазам ошириб борилмоқда. Талаба мустақил таълим унинг манфаатини кўзлаб амалга ошириладиганини тушуниши керак. Аслида, талабанинг мустақил иши деган тушунча унинг аудитория ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлиги остида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмуини англатади.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари ишлардаги фаолликларини оширишдаги муаммолар бир қатор қийинчиликлар билан боғлиқ[5]. Бунда мустақил ишларни бажаришга кўпгина талабаларнигина эмас, ҳатто айрим профессор-ўқитувчиларнинг ҳам тайёр эмасликларини кўриш мумкин. Бу кўпинча касбий ёки психологик йўналишда намоён бўлади. Бунинг ёнига сифатсиз информацион таъминотни ҳам қўшса бўлади. Кўп ҳолларда информацион таъминот талаб даражасида бўлмайди, бунинг натижасида самарадорликнинг пасайиб кетиши кузатилади. Шунингдек, талабаларда ўзига бўлган ишончнинг йўқлиги ҳамда уларда нутқ маданиятининг яхши ривожланмаганлигини ҳам уларнинг мустақил таълимда фаол иштирок этмасликларига сабаб бўлувчи омиллар қаторига қўшишимиз мумкин. Талабалар мустақил ишларини ташкил этишдаги асосий вазифа ҳар қандай шаклдаги машғулотларда интеллектуал ташаббус ва тафаккурни ри-



вожлантириш учун психологик дидактик шароитларни яратишдан иборатдир. Талабалар мустақил ишларини ташкил этишдаги бош тамойил талабаларнинг индивидуал ишлашга ўтишларини таъминлаш бўлиши керак. Бунда айрим топшириқларни формал ва пассив бажаришдан уни онгли ва фаол бажариш сари йўллаш асосий ўрин тутиши керак. Талабалар мустақил ишларининг мақсади аввал ўқув мазмуни билан, кейин эса илмий ахборотлар билан мустақил ишлашга ўргатиш, ўз-ўзини йўналтириш ва ривожлантириш асосларини, кейинчалик ўз малакасини мунтазам ошириб бориш кўникмасини ҳосил қилишдир. Бунда ҳал қилувчи ролни ўқитувчи адо этади. У, умуман, талаба билан эмас, балки муайян шахс билан ишлаётганини ҳар доим диққат марказида бўлиши лозим. Ўз талабасининг кучли ва ожиз томонларини яхши билиши, индивидуал қобилияти ва қизиқишларини назарда тутиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчининг вазифаси талабанинг - бўлажак юқори малакали мутахассиснинг яхши томонларини кўриш ва кўпайтиришдан иборат.

Хулоса.Юқорида санаб ўтилган фикрларга асосланган ҳолда шунини хулоса қилиб айтиш мумкинки, талабалар мустақил таълимни шакллантиришда услубий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим, деб ҳисоблаймиз. Чунки талабаларга назарий ва амалий билимлар ҳамда мустақил ишларни ташкил этиш бўйича йўл-йўриқлар бериш талабаларда самарали мустақил таълим олиш учун ишлашларида муҳим омил бўлиб хизмат қидади. Талабаларга ишни қандай ташкил қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар бериш уларнинг мустақил билим олиш фаолиятига сезиларли, ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари олий таълим муассасаларида мустақил таълим жараёнини амалга оширишда тизимли ишларни йўлга қўйиш, талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий - сиёсий ҳаётда мустақил равишда ўз ўрнини топа олиш малакасига ҳамда истикболий вазибаларни қўя олиш ва ҳал қила олиш қобилиятига эга бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга асос бўлади.

#### Адабиётлар:

1. С.И. Ахмедов. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси - юқори малакали кадрлар тайёрлаш кафолати. «Таълим, фан ва ишлаб чиқаришда интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўрни» мавзусидаги ёш олимлар, магистрант ва талабаларнинг анъанавий ХИИ республика илмий-амалий конференцияси Самарканд-2015
2. А.Қ. Рахимов, Тўраева.Н.Н. Талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этиш. 4-китоб\_сомпрессед.пдф (эду.уз)
3. М.Баракаев ва бошқалар. Мустақил таълимни ташкил этиш методикаси.Ўқув – услубий қўлланма. Т., “Истиқлол нури”. 2017 йил



4. Мусаханова Гулнора Мавляновна. Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2020 йил

5. Талабалар мустақил таълимини ташкил этиш. Методик қўлланма. Тошкент -2023.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақола олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълим олиш қўникмаларини шакллантиришда ўқитувчи ва талаба муносабатлари мавзусини ёритишга бағишланган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистон Республикаси таълим масканларида мустақил таълимни ривожлантиришга доир қилинаётган ислоҳатлар ҳам ёритиб берилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

Данная статья посвящена освещению темы взаимоотношений преподавателя и студента в формировании навыков самостоятельного обучения студентов в вузах. В статье также освещены реформы, которые проводятся для развития независимого образования в образовательных учреждениях Республики Узбекистан.

#### **SUMMARY**

This article is dedicated to highlighting the subject of teacher-student relations in the formation of independent learning skills of students in higher education institutions. The article also highlights the reforms that are being carried out to develop independent education in educational institutions of the Republic of Uzbekistan.